

ШАҲЛО АҲРОРОВА

МОҲИМ

Шеърлар ва дostonлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2002

84(59)6-3

Ў32
А99

10 30453
0

20 04 4443	Aliskor Navoiy 2002 й. 10 02/04/2002
---------------	--

А 4702620202-93 Катъий буюртма - 2000
М 352(04) - 2002

© Шахло Ахророва.
Фафур Фулом номидаги
нашрият-матбаа ижодий
уйи, 2002 й.

ISBN 5-635-01936-6

МОҲИМ

Моҳим, бир бор тушинг биллур осмонингиздан,
Бизнинг ғариб дунёларни бир бор тўлдилинг.
Бир бор халос айланг қаттол ҳижронингиздан,
Йўқса ўлдилинг, ўлдилинг.

Кўзларимга оқиб кирсин дунёларингиз,
Бизнинг тийра шомларда ҳам қуёшлар кулсин.
Дунёмизни ёқиб кирсин дунёларингиз,
Яримгина кўнглимиз тўлсин!

Моҳим, кўзим сойларига чўмилинг бир бор,
Тегрангизда юраккинам сузиб юрарди.
Тиллога айланар балки, балиқлар такроп
Бизга қаср қуриб берарди.

Бунда қарғаб қўяр боғлар қунишиб бизни,
Қалдирғочлар вижирлашиб бизни янийди.
Моҳим, бир илитинг келиб баҳоримизни,
Ва шунда қолсангиз, қанийди!

Бир ёритинг бизнинг ғариб дунёларни ҳам,
Қачонгача кун кўрармиз қаҳрингиз ичиб?
Моҳим, бир бор тушинг биллур осмонингиздан,
Йўқса, ёнингизга кетармиз учиб!

Аллоҳ Одам Атонинг қовурғаси-
дан Момо Ҳавони яратибди.

Менинг яралмишим — бир сиқим тупроқ,
Битта нафас ҳаво, бир қайсар сўздан.
Бир қултум сув, бир гул кўксидан титроқ,
Бир ҳовуч ўт ҳам бир қовурғангиздан...

Тупроққа қоришиб кетишим мумкин,
Ҳавога йўгрилиб кетгай бу танам,
Чақмоқда ёришиб кетишим мумкин,
Гул юзига тонгдан томган бир шабнам...

Хоҳи ўтман, хоҳ сув ва хоҳи тупроқ,
Сизни суймоқ Момо Ҳаводан мерос.
Мен сизни қизғониб қоврилган сўроқ,
Чунки қовурғангиз бириман, холос.

Муҳаббатим қалқон, рашк эса қилич,
Бировга ишониб бўларми сизни?
“Бир, икки, уч... ўн бир!” — Санайман ҳар кеч,
Қўриқлаб ётаман қовурғангизни...

СЕН КИМСАН?

Сен кимсан? Залворинг кифтимга йиқиб,
Тун ила қиқирлаб кулдинг ҳолимга.
Кимсан-ки, не учун тумшуғинг тиқиб
Аралаш бўласан ҳар хаёлимга?

Сен кимсан? Қошимга юлдузни тизиб,
Уйқумни промдан бенасиб этган?

Сўроқсиз кўнглимнинг гулшанин кезиб
Гул-гунча бағрини тилимлаб кетган?

Ёхуд дил карвонин урган қароқчи,
Сарбонин қонидан чанқоғин босган?
Кимсан, кўзларимга қўйилган соқчи,
Ҳар тун кипригимга шамчироқ осган?

Кимсан? Нечун қўлим етмас? Сен балким —
Оёғига жоним осилган ҳилол?
Бас, уни ёнингга чиқариб олгин,
Ёхуд оёғингдан тушириб юбор!

ҲАЗИЛЛАШИБ БЎЛМАЙДИ

Ишқни дилдан дилга ташиб бўлмайди,
Қисмат дерлар, бунда шошиб бўлмайди,
Муҳаббатга қориштирманг ҳазилни,
Кўнгил билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Ишқ деганни ўлчаб тортиб бўлмайди,
Азобсиз у дилга тортиқ бўлмайди,
Ҳар кўрганда титрамаса тиззангиз,
Суймагани бундан ортиқ бўлмайди.

Ҳушёр бўлинг, ҳар ҳазилнинг зили бор,
Суйган дилнинг оби-оташ йўли бор,
Суйдим, куйдим, жондан тўйдим, деганга
Ишқ деганнинг осадиган қили бор!

Шу қилларда осилиб жон титрагай
Томирларда тирқираб қон титрагай,
Ишқ васлида осмон ўпиб бошингиз,
Фироқида мисли жаҳон титрагай.

Бу бир куч-ки, кўрқоқни ҳам шер қилар,
Бир зарбида осмонингиз ер қилар,
Ё қаритар, ё яшартиб кексани,
Бирингиз минг, мингингизни бир қилар.

Ишқ билан ҳеч ҳазиллашиб бўлмайти...

ЮРАГИНГНИ БУТУН БЕРГИН

Жоним ёқай, муҳаббатинг ўтин бергин,
Оҳларингдан осмонимга тутун бергин,
Дарзларини кипригим-ла тикайин, ёр,
Тутар бўлсанг, юрагингни бутун бергин.

Бир бўлагин бировларга ташлаб келма,
Кимни суйиб, кимнинг кўнглин ғашлаб келма,
Бошгинамга ишқ балосин бошлаб келма,
Тутар бўлсанг, юрагингни бутун бергин.

Нигоҳингнинг ёғдусига бўянайин,
Оғушингда армонлардан аянайин,
Толсам, улкан юрагингга суянайин,
Тутар бўлсанг юрагингни бутун бергин.

Билмам, не қалқон бор, ишқнинг яроғига
Кўксинг тутиб чидармисан фироғига?
Чўкмоғинг тайин Шаҳлонинг қароғига,
Тутар бўлсанг, юрагингни бутун бергин!

СИЗ ШУНДАЙ СУЙИНГ

Сиз шундай суйинг-ки, ҳар оҳлар
Ёноғимда лаҳча чўғ бўлсин.
Сиз шундай суйинг-ки, нигоҳлар
Юрагимга ботар тиг бўлсин.

Сиз шундай суйинг-ки, тафтидан
Сочимдан ўт чирсиллаб кетсин.
Титроқ тилиб, фалак қатида
Чақмоқ кўкси қисирлаб кетсин.

Сиз шундай суйинг-ки, моҳ қучиб,
Юлдузлар ўқисин ашъорлар,
Қароғимдан қалдирғоч учиб,
Кўнглимдан бошлансин баҳорлар.

Сиз шундай суйинг-ки, туйиб бахт
Минг қоврилай, минг бора ёнай.
Сиз шундай суйинг-ки, лек фақат
Мен унга ишонай, ишонай...

НА-ДА СЕН КЕЛДИНГ

Соғинчлар чирқираб бошини ёрди,
Чўлоқ имконлардан йиғлаб ёлборди,
Кўр қисмат қайчилаб кетди йўлларни,
На-да сен келдинг, на-да мен бордим.

Умидлар сарсондир топмайин чора,
Аламлар овора, ёшлар овора,
Ё сен бечорасан, ё мен бечора,
На-да сен келдинг, на-да мен бордим.

Хаёллар телбадир, хаёллар дайди,
Осмон йироқ кетар, замин торайди,
Кўзим найсонларин ёмғирлар чайди,
На-да сен келдинг, на-да мен бордим.

Сирдошим — сарғайган япроқлар бўлди,
Суянчим — дилдаги титроқлар бўлди,
Дунёдан топганим фироқлар бўлди,
На-да сен келдинг, на-да мен бордим.

Кўнглимга бош қўйдим, тошлар гунг бўлди,
Кўзимга бош қўйдим, кунлар мунг бўлди,
Бизга тор бу дунё кимга кенг бўлди?
На-да сен келдинг, на-да мен бордим...

ЁҚА КЕЛИНГ

(Кўшиқ)

Ишқингизда куйди жон,
Биз томон боқа келинг,
Киприк ўқ айлаб, камон
Қошингиз қоқа келинг.

Кўнглимиз осмон этиб,
Жонима дармон этиб,
Бағримни уммон этиб,
Дарёдай оқа келинг.

Ноз ила бемор айлаб,
Кўзингиз хуммор айлаб,
Меҳрингиз туммор айлаб
Зулфима тақа келинг.

Фироқингиз туйдим ман,
Фақат сизни суйдим ман,
Куяр бўлсам, куйдим ман,
Жоним боз ёқа келинг.

ЖОНИМ-О...

Жоним-о, ман сиза жонимни тутай,
Ховчима қон суза жонимни тутай,
Дилни эза-эза жонимни тутай,
Сиз уни ичинг.

Хаёлнинг кўзларин ўйиб тутайин,
Кунларим гаровга қўйиб тутайин,
Моҳни қурбонликка сўйиб тутайин,
Сиз кафан бичинг.

Жоним-о, кўкни ким эгаллаб кетди?
Қуёшни ким ичиб тугаллаб кетди?
О, тонгнинг нурлари чигаллаб кетди,
Сиз уни ечинг.

Сен нега йигладинг, момогулдурак?
Ситилса, ситилиб кетсин бир юрак!
Жоним-о, бир сиз-у, бир менга керак
Шу бахтдан кечинг!

Моҳим, сиза етиб бўлмас бир йўл турур,
 Шоҳ эрсангиз, пойингизда минг қул турур,
 Қўл етмас Сиз томонлардан кечай, десам,
 Нетай, сиздан кечмасман, деб кўнгил турур.

Кўнглим, дедим, осмонларга учмоқ нечун?
 Бир моҳ сабаб ёш жонимдан кечмоқ нечун?
 Азоблардан бағрима тўн бичмоқ нечун?
 Кўнгил дегай, анингсиз кун минг ўлдурур.

Моҳим, сизнинг йўлингизда бир гул ҳалак,
 Гул бағридин алвонланиб минг йўл ҳалак,
 Бизга насиб замин ўлди, сизга фалак,
 Ўртамизда сарсонгина дил ўлтурур.

Меҳрим афшон айлаб мулки жонингизга,
 Моҳим, бир дил сигарму осмонингизга?
 Тун қўйнига қўйдим зулфи нарвонимни,
 Ё сиз тушинг, ё ман чиқай ёнингизга!

Моҳим, сиза етиб бўлмас бир йўл турур...

ОЛТИН ОЛМА

Сув юзида ол бир олма оқиб келди,
 Ул қирғоғу бу қирғоққа боқиб келди,
 Қалқиб келди, юрагимдай қалқиб келди,
 Олтин олма, олсам эганг уришмасми?

Боғинг излаб, билмам, қаён чопарман сўнг,
 Гуноҳимни айт, не бирла ёпарман сўнг?
 Бахтимними ёхуд армон топарман сўнг?
 Олтин олма, олсам эганг уришмасми?

Ўғирланган юрагимга юзинг ўхшар,
Сени узиб сувга солган қайси гўша?
Юрагимни олиб қўйган балки, ўша?
Олтин олма, олсам эганг уришмасми?

Мен ҳам сендай битта боғда эрка эдим,
Уммонларда оқиб кетдим, қисмат, дедим,
Қисматингми, сендан сўрмай еса гар ким?
Олтин олма, олсам эганг уришмасми?

Қайси боғда қолди сенинг изинг, олма,
Балки, бордир менга айтар сўзинг, олма,
Юрагимга ўхшар экан юзинг олма,
Олтин олма, олсам эганг уришмасми?

ГУЛРЎ

О, гулрў, мен талпинган малак,
Юрагимга тўкилган титроқ,
Сулувлардан сулувсан бешак,
Азизлардан менга азизроқ.
О, гулрў, мен талпинган малак.

Куйларингсиз, о, менинг қумрим,
Кўксимдаги чаманлар майиб.
Наҳот завол билмайсан, умрим
Остонангда ўтса сарғайиб?
Куйларингга муштоқман, гулим.

О, гулрў, мен талпинган гулсийм,
Кафтларингга тўкканим — ўша —
Титраётган жонимми, осий,
Жаннатми сен банд этган гўша?
О гулрў, мен талпинган гулсийм!

Хаёлингнинг ўзи-ла мастман,
Васлинг балки ўлдирар буткул!
Гулрўйим, айт сени қучган ул
Чаманларга нечун сиғмасман?
О гулрў, мен узолмаган гул...

БИР СЎЗ

“Мен бошқани...”
Қонимга бир сўздан муз тушиди,
Ғижимлади танни қалтироқ,
Пешонамдан титраб туз тушиди,
Дил уйдан кўчди лойшувоқ.

Товонимдан узалди титроқ,
Пойи-замин музлай бошлади.
Юракдаги қушлар хирқироқ
Қор тилида сўзлай бошлади.

Менга қараб қунишар оқшом,
Дилдирайди ёнимда куним.
Қулоғимда бошланар бўрон,
Чирсиллайди бўғзимда уним.

Жуфтагини ростлади қуёш,
Кўрпасига бурканди ҳилол.
Киприкда осилиб қотди ёш,
Биргина сўз шунчалар завол.

Сўнгги нидом: бир боқиб кетгин,
Майли, мангу сўнг музлаб қолай.
Сўнгбор, ахир совқотиб кетдим,
Нигоҳингда исиниб олай...

МУҲАББАТ

Баҳорнинг лабидан тотган бўйимсан,
Оҳулар кўзига ботган ўйимсан,
Тонгларнинг кўксига тўкилган орзу,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Гоҳ топиниб, гоҳо нолиб яшайман,
Юз ғамдан юз бахтга олиб яшайман,
Суйган дил бор-ки, чўғ солиб яшайман,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Ўзим қовриламан, ўзим куяман,
Азобларингдан ҳам бир завқ туяман,
Билмадим, бунчалар сени суяман,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан!

Орзуми, армонми, сен кимим менинг?
Кўксимнинг оғриғи — сим-симим менинг,
Ҳали очилмаган тилсимим менинг,
Муҳаббат, сен менинг мангу куйимсан.

БОҶИБ КЕТИНГ

Кўзингизга кўнгил тушди, боқиб кетинг, боқиб кетинг,
Ўтли-ўтли боқиб майли, шу жонимни ёқиб кетинг,
Ўтли-ўтли боқмасангиз, шу жонимни ёқмасангиз,
Кўз ёшларим дарёсида оқиб кетинг, оқиб кетинг.

Кулгунгизга кўнгил тушди, бир жилвани қизғонманг, ёр,
Мени ўтга ташлаб қўйиб, бир чеккада қувонманг, ёр,
Давлатингиз камайса ҳам, кўнглимиз-чун алдаб қўйинг,
Менгинани суймоқликдан сиз тонманг ёр, сиз тонманг, ёр.

Сўзингизга кўнгил тушди, бир ширин сўз сўйлаб кетинг,
Биз юз бора ўйлаганда, сиз ҳам бир бор ўйлаб кетинг,
Дуппа-дуруст юргандим-а, шоир қилиб қўйдингиз-ов,
Битта шоир юрибди, деб, биз томон бир бўйлаб кетинг.

Кўзингизга ботай десам, киприкларда овора жон,
Кўнглингиздан ўтиб қайда, биз каби куйган ёра жон?
Ишқ мулкида биз фақир, сиздан дунё сўрамадик,
Бир боргина боқмасангиз, ишқингизда минг пора жон!

Кузингизга кўнгил тушди, боқиб кетинг, боқиб кетинг...

ҚЎЙМАДИЛАР

Унда сени, бунда мени қўймадилар,
Сен куйдинг, мен куйдим, улар куймадилар.
Таъқиб этиб тўймадилар, тўймадилар,
Энди мени тушларингдан изла, жоним.

Сен мен учун, мен сен учун хатар бўлдим,
Сен мағриб-у, мен машриққа бадар бўлдим,
Кўзларимни юлдузларга қадар бўлдим,
Энди ишқинг юлдузларга сўзла, жоним.

Сен мен учун, мен сен учун хаёл бўлдим,
Сен кун-қуёш, мен — тун қизи ҳилол бўлдим,
Сен бирла, мен бирла бир ишқ увол бўлди,
Ишқ қабрига бошинг уриб бўзла, жоним.

Минг тўкилиб, тўлмаганлар дунёси бу,
Минг ўлдириб ўлмаганлар дунёси бу,
Муҳаббатни билмаганлар дунёси бу,
Энди ўзга дунёларни кўзла, жоним!

Унда сени, бунда мени қўймадилар...



Юлдузлар кўзимга кўприк солдилар,
Ундан тушиб келди оҳиста Ҳилол.
Нигоҳларим пойга киприк солдилар,
Ойнинг оқ сочига ташлади рўмол.

Қорачиғим қучди Ҳилол эркалаб,
Гўё бу гўшада ҳеч ғам бўлмаган.
Ҳув нарида эса нимта-нимталаб
Юракни дард чайнар — унутилмаган...

ЎҒИРЛАБ ҚЎЙДИМ

Кулгу ичра кулмаган гулим,
Ёшларингга чўмилиб суйдим,
Куйларидан келмаган гулим,
Куйларингни ўғирлаб қўйдим.

Дардларини айтмаган гулим,
Дардларингга кўмилиб куйдим.
Ўтмишидан қайтмаган гулим,
Ўтмишингни ўғирлаб қўйдим.

Қароғида кўк дарё, гулим,
Дарёларинг симириб тўйдим,
Нигоҳида минг фарёд, гулим,
Нигоҳингни ўғирлаб қўйдим.

Кунларингни ўстирмақ учун
Томирингга тонглари куйдим.
Қуёш бирла бош урмақ учун
Пойларингни ўғирлаб қўйдим.

Ўғирладим, қилдим жиноят,
Минг бора иқрорман айбимга.
Ҳукмини ўқисин Муҳаббат,
Қамоққа ол мени... қалбингга...

ХАБАР БЎЛМАДИ

Соғинчлар сарғайди, самар бўлмади,
Кўнглимиз кўкида қамар бўлмади,
Саболар шивирин ичига ютди,
Сиз томонлардан бир хабар бўлмади.

Милдироқ умидлар сўниб ҳам бўлди,
Қисмат кўксимга ўт йўниб ҳам бўлди,
Кунлар кўргуликка кўниб ҳам бўлди.
Сиз томонлардан бир хабар бўлмади.

Ҳижронлар кўзга ёш солиб кетдилар,
Гумонлар дилга тош солиб кетдилар,
Оромлар тундан бош олиб кетдилар,
Сиз томонлардан бир хабар бўлмади.

Шубҳалар қийноғи юракка ботди,
Қон тилиб тирноғи юракка ботди,
Минг турли сўроғи юракка ботди,
Сиз томонлардан бир хабар бўлмади.

Қароғим тўшайин йўлларингизга,
Бағрим гулзор бўлсин гулларингизга,
Йўқса жон берайин қўлларингизда,
Сиз томонлардан бир хабар бўлмади.

Тикан тилиб кетган булбул патидан
Боғладим кўнглимнинг яраларини.
Армонлар тахланган туннинг отидан
Кунга суртдим кўзим қораларини.

Ҳилол нурларидан малҳам тиландим,
Шомлар уни тилиб, дардлар томизди.
Куздан гулзоримга шабнам тиландим,
Тонглар гул юзига гардлар томизди.

Фунчанинг кулгусин зоғлар чўқиди,
Қонлар сачраб кетди дилим юзига.
Ёлғонлар бахт ҳақда эртак тўқиди,
Хомталаш хаёллар илди кўзимга.

Юрак бу эртакка кўнмоққа маҳкум,
Унда сайраётган тиллар кесилган,
Кўнглим чўкиб борар, чўкаётир жим.
Унга узалгувчи қўллар кесилган...

Не савдо тушмади, эҳ, бу бошларга,
Осмон чўкар балки бу бардошларга,
Дилим, пешонамиз шўр экан азал,
Ўрганиб ҳам қолдик биз кўз ёшларга.

Кўнглим, кўргулигинг, кулмай ўтарсан,
Азал ярим эдинг, тўлмай ўтарсан,
Мендан ўзга кимдан юпанч кутарсан?
Кўникиб ҳам қолдик биз кўз ёшларга.

Дўст билан душманнинг фарқи қолмади,
Ер билан осмоннинг фарқи қолмади,
Рост билан ёлғоннинг фарқи қолмади,
Кўникиб ҳам қолдик биз кўз ёшларга.

Бизни овутмоқ кеч, овунч ҳам толди,
Фалак бор умидин қайтариб олди,
Кўнглим, ёлғиз сенга суяниб қолдим,
Кўникиб ҳам қолдик биз кўз ёшларга...

Юрагимга сиғмаган Муҳаббатим,
Кўзларимга сиғмаган муҳаббатим
Сўзларимга сиғарму, эркам?

Ерга ё осмонга қандай сиғайин,
Бу жоҳил жаҳонга қандай сиғайин?
Қалбингга сиғмасам, сиғмасам.

Қароғимдан қонни томизай қайга?
Бўғзимдаги жонни томизай қайга?
Дунёгинанг кетмасми ёниб?

Бу танимни қайга кўмиб кетайин,
Кўзларимни қандай юмиб кетайин,
Сени бировларга қолдириб?!

Яшил кунларимдан тердим қизғалдоқ,
Ой бирла қирларга аллалар айтдим,
Биллур шабнамлардан териб бир қучоқ
Уфорлар саралаб, кўнглимга қайтдим.

Нафис туйғулардан куртаклар унди,
Кўксимда бир баҳор гуллади чунон,
Мен уни қизғондим кўқдан, заминдан,
Уни фақат сенга атадим: инон!

Учиб кела қолгин, қалдирғоч сўзлим,
Кўзларингга мовий осмонни солиб.
Сўнг эса иккимиз баҳоримизни
Энг тоза тонгларга кетамиз олиб!



Дунёда энг яхши ёмоним,
Дунёда энг ёмон яхшимсан.
Дунёда энг ширин армоним,
Дунёда энг аччиқ бахтимсан.

Толедир мен сени суймоғим,
Сен солган ҳижронлар толедир,
Толедир шубҳалар қийноғи,
Сен айтган ёлғонлар толедир.

Ишонгум тун айтган эртакка,
Тонгларни умид-ла кутарман.
Сен деган шу бебош юракка
Бир умр сизиниб ўтарман!

ТИЛИМ

Кўнглимнинг кўкига қўлим етмади,
Ойдин уфқларига етмади қўлим.
На келиб овути ёки кетмади,
Хаёллар тилимдир, хаёллар тилим.

Мингта кўз, минг сўроқ дилни қовурди,
Минг ўт ичра куйиб йиғлади дилим.
Қил учдаги тотин ҳижрон совурди,
Висоллар тилимдир, висоллар тилим.

Ёруғ манзилларни кўмди қароғим,
Туннинг бўҳчасига тахланди йўлим.
Мен ҳузур атаган ёлғон ардоғим,
Азоблар тилимдир, азоблар тилим.

Тилимларда боқар кунлар мунғайиб,
Нигоҳларда унсиз ингроқлар тилим.
Тунларнинг бошида кокилин ёйиб
Тонглар толе деган сароблар тилим.
Тилим-эй, тилим...

ЯРАЛГАНМАН

Жоним, десанг, ўшал жондан яралганман,
Тун бағрини тилган тонгдан яралганман.
Оҳ урганда атиргулнинг лабларидан
Тирқираган тоза қондан яралганман.

Қисматингда бўлмаганинг бўлдиргали,
Кўнглингнинг бир кемтигини тўлдиргани,
Ўшал куюк армонларинг ўлдиргани
Ундан ҳам куюк армондан яралганман.

Дунё эмас, меҳрингдан бир жуфт кўз сўраб,
Шул нигоҳ-ла қоришиқли гул рўз сўраб,
Чечак бирла сирлашмоққа ман сўз сўраб
Булбул лабида хандондан яралганман.

Шабнам ўпган ол гунчанинг бўйларидан,
Тун Моҳининг ҳеч ким билмас ўйларидан,
Капалакнинг гулга битган куйларидан,
Нигоҳинг сўйлар дostonдан яралганман.

Кўзларингда бахт жилосин туймоқ учун,
Юрагингга ишқдан малҳам қўймоқ учун,
Суймоқ учун, фақат сени суймоқ учун
Ишқ деган тоза бўстондан яралганман!

АДАШ ЙЎЛЛАРИДАН ҚАЙТАР

Толейин куйдириб, куймаган дунё,
Юзларига қўндир сўнган ҳилолни.
Адаш гуноҳлардан тўймаган дунё,
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Уни фаришта эт, фаришталар эт,
Рўзгорин ҳалол эт, саришталар эт,
Иймондан қалбига боғ-ришталар эт,
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Қара, юрагида аламлари кўп,
Ғийбатлар ўлчаган қадамлари кўп,
Алдовлар кўзига чўп солмасин, чўп,
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Меҳр ташна жонга тўзим бер, тўзим,
Бегона бағирга босмасин юзин,
Айт, ахир, бағрингда адашмаган ким?
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Ўнгга дўнар ҳали бу тушлар, дегин,
Бегларингизда кўп юмушлар, дегин,
Ардоқ топмаган, эй кумушлар, дегин,
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Қайдадир қўйнига зар тўкилмоқда,
Қайдадир пойига тўр тўкилмоқда,
Боқ, яна қалбига ким суқилмоқда?
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

Сўйласа, йиғлайди байтлар, аёлни,
Тушлари эртақлар айтар аёлни,
Адаш гуноҳлардан тўймаган дунё,
Адаш йўлларидан қайтар аёлни!

СЕН КИМНИНГ БАНДИСИ?

Уммонлар бағрини қайнатган дарё,
Осмонлар бағрини қонатган фарёд,
Камалакни кийган телбавор, эй ишқ:
Сен кимнинг бандиси, эй телба дунё?

Тунлар сенга банди, тонг сенга банди,
Гадо сенга банди, хон сенга банди,
Юрак сенга банди, жон сенга банди,
Сен кимнинг бандиси, эй телба дунё?

Кўзида юлдузлар жимирлаб боққан,
Кўёшнинг кўксига оловлар ёққан,
Тунлар кўк юзига нигоҳлар таққан,
Сен кимнинг бандиси, эй телба дунё?

Йиғлатган ўзингсан, кулдирган ўзинг,
Дилни ярим этган, тўлдирган ўзинг,
Жон берган ўзингсан, ўлдирган ўзинг,
Сен кимнинг бандиси, эй телба дунё?

* * *

Чўкиб кетгим келди кўзларингизга,
Киприкларга жоним бойлагим келди,
Унинг туб-тубида ёнган юлдузга —
Энг тоза гавҳарга айлангим келди.

Чўкиб кетгим келди кўзларингизга,
Қароқларингизга бош ургим келди.
Унинг туб-тубида сирқираб ётган
Унсиз дардларингиз симиргим келди.

Чўкиб кетгим келди кўзларингизга,
Нигоҳларингизга жойланиб кетсам.
Шу нилий осмоннинг эрка париси —
Бир олтин балиққа айланиб кетсам...

Чўкиб кетгим келди кўзларингизга...

ОЁГИНГ ОСТИГА ҚАРАБ ҚҲЙ

Бўй чўзиб юлдузни ўлмасдан аввал,
Ойни этак билан ёпмасдан аввал,
Бир пуф деса кўкка чопмасдан аввал,
Осмоннинг пастига қараб қўй бир бор.

Молу тахт омонат, давлат омонат,
Давлатинг кўтарган савлат омонат,
Омад омонатдир, шавкат омонат,
Оёгинг остига қараб қўй бир бор.

Нафс ила ишратдан вақт топмоқ маҳол,
Хушомад ғолибдир, оқибат завол,
Парилар базмидан олдин қадди дол
Онангнинг ҳолини сўраб қўй бир бор.

Манзил бир. дунёни ютиб бўлмайди,
Қуёшни қўл билан тутиб бўлмайди,
Олтинни орқалаб кетиб бўлмайди,
Ночорнинг кунига яраб қўй бир бор.

Қай вақт афғон чекиб, қай вақт хандамиз,
Қайда хор, қайдадир гоҳ арзандамиз,
Ҳаммамиз Худога бир хил бандамиз,
Худодан гуноҳинг сўраб қўй бир бор.

АЁЛ

Аёл, сенинг хусну тароватингни
Минг бор куйласам гар адо бўлурми?
Муҳаббат мулкида малика бўлсанг,
Ошиғингдек фақир, гадо бўлурми?

Оёғинг ўпмоққа келтириб ёйсам
Замин кўксидаги чечаклар етмас,
Осмонни узсам-у пойингга қўйсам,
Юлдузлар бир нафас қошингдан кетмас.

Сен онасан, десам, ёниб кетар қалб,
Бу дунё меҳрга тўлиб кетади.
Ўн саккиз ёшингда бу дунё, ё раб,
Ишқ деган сеҳрга тўлиб кетади.

Не-ки ишқ, дилга ўт, нур солгучисен,
Сенсиз тилда қўшиқ, баёт бўлурми?
Сен жон бергучи-ю, жон олгучисен,
Сенингсиз бу ҳаёт — ҳаёт бўлурми?

Қаҳр этсанг чақмоқ кетади куйиб,
Меҳрингдан кўпириб кетади уммон.
Яшайсан дунёни бошингга қўйиб,
Аллоҳ шу бошингни асрасин омон!

СИЗ КЕТДИНГИЗ

Сиз кетдингиз, йўлларингиз тошланмади,
Мен йиғладим, кўзларингиз ёшланмади,
Йўлларингиз боғлай дедим, боғлолмадим,
Пойингизга оқ рўмолим ташланмади.

Оқ рўмолим қўлларимда етим қолди,
Томоғимда фарёддан бир ютим қолди,

Шул ютимни ютолмадим, ютолмадим,
Армонлардан бу дунё бир ситим қолди.

Дунём ситиб, дунёнгиз бут бўлдими, ёр,
Кўнглим тўкиб, ё кўнглингиз тўлдими, ёр?
Кунларимни, тунларимни хуноб айлаб
Кўёшингиз, ҳилолингиз кулдими, ёр?

Суйманг, майли, ўзим суйиб ўтарман, ёр,
Куйларимга ўтлар қўйиб ўтарман, ёр,
Бу дунёда ишқдан куйиб ўтганларга
Юрагимда ҳайкал ўйиб ўтарман, ёр.

Сиз кетдингиз, йўлларингиз тошланмади...

СУЙИЛМАГАН АЁЛ

Мен – тонгинг кўксига қадалмаган кўз,
Кўнглинг эшигига сиғмаган ғариб.
Энди кунларингдан кетарман олис,
Дунёнинг бахтини сенга қолдириб.

Майлига дўстларим бўзлаб қолсинлар,
Ағёрлар кўксида чаманлар унсин!
Чечаклар кўзига тупроқ солсинлар,
Ушалмас орзулар синсалар синсин!

Сенга армонларим борсин-да элтиб,
Мени элтолмаган йўллар йиғласин.
Кўзим қораларин юзига суртиб
Толейинг қурсин, деб йиллар йиғласин!

Майли, сендек расо бўлмаса бўлмас,
Майли, кўркдан холи, эгнида жанда.
Азал ярим кўнглим тўлмаса тўлмас,
Мен энди кетарман мени суйганга!

* * *

Оғам, мани на гуноҳим бор эди?

Хоразм халқ қўшиғидан

Кўзларингда қўш нигоҳим бор эди,
Меҳрингдайин зўр паноҳим бор эди.
Хаста ҳолим келиб бир бор сўрмадинг,
“Оғам, мани на гуноҳим бор эди?”

Булбул йўқса, гулнинг ҳоли на кечар?
Меҳр йўқса, дилнинг ҳоли на кечар?
Келмасанг гар қароғимни ёпинган
Изинг тилар йўлнинг ҳоли на кечар?

Кўзларимга бу дунёни тор айлаб,
Келмас бўлсанг сан ўзгани ёр айлаб,
Юрагимни анордайин эзарман,
Ман кетарман сани ишққа зор айлаб...

СЕН ОНАМНИ АСРА, ХУДОЙИМ!

Излаб, сиздек суянч топмадим,
Сизни жондек суйдим бегумон.
Кўксингизга юзимни босиб,
Ватан ҳидин туйдим, Онажон!

Она, сизни бағримга босиб,
Бўйнингиздан қучиб тўймадим.
Фунча тонгга очган каби лаб,
Мен ҳеч кимни сиздек суймадим.

Бу кеч дунё кетди тебраниб,
Тун кўксини тилган нолага.
Мен тўймадим юз бора тинглаб,
Онажон, сиз айтган аллага.

Туйгуларим йўқдир поёни,
Бир куй излаб яшарман доим.
Мен қўшиқни топганим чоғи,
Сен Онамни асра, Худойим!

КУЗ

Маҳзун кўзларимга чўкиб боради,
Рутубатли осмон, жигархун осмон.
Нигоҳларим кўкдан ғам сипқоради,
Дилхун новдаларда қалтирайди жон.

Ой булут бағрида жунжиб ётади,
Устига кўрпасин ташлайди мезон.
Армон ҳуштак чалиб қўшиқ айтади,
Бошлаб юборади рақсини хазон.

Хазонга дўнгандек бўлади умрим,
Дарахтга термулиб дардин тотаман.
Сарғайган дардларга кўмиламан жим,
Дардкаш баҳоримни кутиб ётаман...

ЙИҒЛАТГАН КИМ У?

Қалбимда дилдираб улғайган ғунча,
Дардлардан дард бирла соғайган ғунча,
Ёлгон ёғду ичра, эҳ, тойган ғунча,
Адаш йўллардан кўз олайтган ким у?

Булбул куйларига бойланганинг-чун,
Тонгнинг кўзларига жойланганинг-чун,
Юлдузлар шаънида ойланганинг-чун
Бошгинангни ёриб тош отган ким у?

Севдинг ё севилиб гуноҳ қилдингми?
Толедан қувилиб гуноҳ қилдингми?
Ёшларга ювилиб гуноҳ қилдингми?
Кўзларингни тилиб қонатган ким у?

Қисматнинг йиғиси, ишқнинг хандаси,
Руҳида ғариблик, тан арзандаси,
Эй, телба юракнинг телба бандиси?
Телбавор дунёнгни уйғотган ким у?

Нигоҳига ғамлар юк илган ғунча,
Тунларга тилиниб, сўкилган ғунча,
Чокларидан фарёд тўкилган ғунча,
Айт, ахир руҳингни йиғлатган ким у?

ИЛОҲИЙ МУҲАББАТ ҚАЙДА?

Оламнинг ишлари бунчалар майда?
Ўт дея боққанинг совуқ бир дийда,
Дунёга сиғмайди бир дил ноласи:
Илоҳий муҳаббат қайдадир, қайда?

Могу тахт боласи, зарнинг боласи,
Ёлғоннинг боласи, зўрнинг боласи,
Сенга не етмас, эй ернинг боласи?
“Илоҳий муҳаббат қайдадир, қайда?”

Турналар кўзимда тизилиб ўтар,
Булутлар қошимда сузилиб ўтар,
Бир юрак бағримда эзилиб ўтар:
“Илоҳий муҳаббат қайдадир, қайда?”

Зайнабнинг қаҳрига чўмилган ўша,
Отабек кўксига кўмилган ўша,
Кумушнинг кўзида юмилган ўша
Илоҳий муҳаббат қайдадир, қайда?

СИҒМАДИМ

Зайнабнинг деганлари

Мен ой бўлдим, сиз ой бирла бир фалакка сиғмадим,
Мен ишқ бўлдим, ишққа тўлган бир юракка сиғмадим,
Мен сарв эдим, пойингизда хокисор ўлди таним,
Сиз бахт дедим, бахт сўраган бир тилакка сиғмадим.

Мен меҳрга омонатга берганмидим жонимни,
Армон ичсин энди кўздан силқиб оққан қонимни,
Олиб бу телба бошимни энди қайга кетай мен,
Юз яхшига алишмаган битга сиз ёмонимни?

Сиз келсангиз еру осмон бахтга қониб кетарди,
Сиз келсангиз ғамлигидан ғам ҳам тониб кетарди,
Мен билмабман, икки оташ сиғмас экан бир ерга,
Ўт эдингиз, ўт эдим мен, дунё ёниб кетарди!

Тилаб сизни бегим дедим, бегларга тенг бўлмадим,
Кумуш минг бора кулди-ю, мен бир бора кулмадим.
Қилич бўлиб бошим кессин сиздан айро бу йўллар,
Билмадим мен, сизсиз нечун мен ўлмадим, ўлмадим?

Мен ой бўлдим, сиз ой бирла бир фалакка сиғмадим...

КЕЛМАДИ

Кўзима бедор келди-ю,
Кўргали зорим келмади.
Кўнглима озор келди-ю,
Не сабаб ёрим келмади?

Кун борми мен бечорага?
Юрак-бағри минг порага.

Тўлиб кетди дил ярага,
Не сабаб ёрим келмади?

Кутиб-кутиб куйди кўнгил,
Умид тутиб куйди кўнгил,
Доғин ситиб куйди кўнгил,
Не сабаб ёрим келмади?

Ҳижронлар не тилар мендан?
Шод кунларим юлар мендан,
Балким қисмат кулар мендан,
Не сабаб ёрим келмади?

Нури рухсорим келмади,
Баҳри баҳорим келмади,
Йўлларида толди кўзим,
Не сабаб ёрим келмади?

ТИЛАГАНИМ АРМОНЛАРМИДИ?

Кўзимга мил тортар савоб, гуноҳим,
Ҳар гул титроғида қалтирар оҳим,
Эй, ишқ деб топинган буюк паноҳим,
Сендан тилаганим — армонлармиди?

Маҳзун кўзларимга тўкилган дунё,
Кўйлаги дардлардан тикилган дунё,
Бағрига ситамлар экилган дунё,
Сендан тилаганим — ёлғонлармиди?

Бахтнинг пештоқига етмади бўйим,
Телбавор орзуйим, телбавор ўйим,
Эй, сен шеър аталган йиғлоқи куйим,
Сенга тилаганим — афгонлармиди?

Итлар галасидан таланиб ўтиб,
Минг бор қонлар ютиб, зардоблар ютиб,
Пажмурда юрагим ҳовучлаб тутиб
Яхши деб топганим – ёмонлармиди?

Мен йиғлай, ёшларим тошларга томсин,
Жон тиглай, оҳимдан йўлларинг ёнсин,
Мен тондим, бас, мендан дунё ҳам тонсин!
Айт, сендан топганим ҳижронлармиди?

ҚАҲРИНГДАН БЕР

Чимрилганда ярашади қалам қоши,
Ўзгалардан қизғонибким ўт қалоши,
Нигоҳига солиб отгай рашкнинг тошин,
Кўзларингга ярашган шу қаҳрингдан бер!

Юрагида муҳаббатдан ўтлар ёқиб,
Ўзгаларга боқсам атай, чақиб, чақиб,
Ўргилайин койишингдан менга боқиб,
Тилларингдан томган ширин заҳрингдан бер!

Камалакни жилвасига бўялтирган,
Фунчаларга розин сўйлаб уялтирган,
Оҳуларнинг кўзларидан куй келтирган,
Гўзалликка шайдо малак, баҳрингдан бер!

Билсанг, қанча ғамлар кечиб, сенга етдим,
Умрим бўйи излаб, жоним фидо этдим.
Суйдим, десанг, бу дунёга сигмай кетдим,
Бир озгина жойни энди... бағрингдан бер!

СИГИНМАЙ ҚҶЙДИМ

Соғинч соғинчликдан тониблар кетди,
Юракдаги дунё ёниблар кетди,
Кўнгил озорларга қониблар кетди,
Оғриниб тўйдим мен, оғринмай қўйдим.

Дунё ақлимас, дунё алдамчи,
Бир телба юракка бунча кўп қамчи?
Мен бахт эшигида оддий тиланчи,
Тўрвам тешик экан, йигинмай қўйдим.

Жаҳонинг банд экан, сиғмасам нетдим?
Кўкинг баланд экан, еримга кетдим,
Мен яна йиғлоқи шеъримга кетдим,
Омонат меҳрингга сиғинмай қўйдим...

ҚАЙТ ДЕМА, ЁР

Жоним, дилга фироқ солма,
Гумонлардан сўроқ солма,
Хаёлларим минг қиймалаб,
Йўлинг мендан йироқ солма.

Йироқ солма, ёнар дилим,
Ҳажр ўтига қонар дилим,
Сен кетсанг гар бу дунёнинг
Бор кўшқидан тонар дилим.

Сен кетсанг, ортингдан тишлаб,
Тоғлар бўлса кемирайин.
Гар пойингда азоблардан
Уммон этсанг, симирайин.

Юрагимни қучиб борай,
Тиканлар сеп, кечиб борай,
Товонимни тилиб оққан,
Қонларимни ичиб борай.

Бормоқ учун ёр сен томон,
Ўтлардан ҳам ўтгум омон,
Минг тирналиб, минг қийналиб,
Жоним, сенга етганим он.

Бор азобни унутгум чин,
Фовлар менга айт, нима, ёр?
Не жабринг бор, солгин, лекин
Фақат... ортга қайт, дема, ёр!

ҚИЗҒАЛДОҚ

Қирда чечаклар билан
Ака-сингил тутиндим.
Топиб бер, деб бир қизни
Қизғалдоқдан ўтиндим.

Қизғалдоғим, қирмизим,
Ёноғингдан ўпарман.
Сен очилган бир тонгда
Ўшал қизни топарман.

Орзуси мўл онамнинг
Армонларин ўлдириб,
Кириб келар бир малак
Чимилдиғим тўлдириб.

Қуёш кулар уйимда,
Бошланади баҳорлар,
Чечакларнинг базмида
Айтасизлар ёр-ёрлар.

Янга бўлиб, узатиб
Келарсизлар келинни.
Қизғалдоғим, унгача
Ўрганиб қўй ўланни!

ОНАЖОН

Дард чексам, дардимдан қоврилган онам,
Гард инса, гардимдан соврилган онам,
Юрагида армон, юрагида ғам,
Бағрингизга бошим босай, Онажон!

Куйимни қуёшли кўкларга илиб,
Ўйимни бардошли юкларга илиб,
Бўм-бўш кунларимни тўлдиринг, келиб,
Бағрингизга бошим босай, Онажон!

Пойимда тошлардан қоқиниб кетдим,
Ҳадсиз озорлардан оғриниб кетдим,
Жон Онам, бир келинг, соғиниб кетдим,
Бағрингизга бошим босай, Онажон!

Маҳзун дамларимни унутай бир зум,
Бахтим камларини унутай бир зум,
Дунё ғамларини унутай бир зум,
Бағрингизга бошим босай, Онажон!

Кўксингизга босиб, овутинг мени,
Телба ўйларимдан совутинг мени,
Бу ёлғон дунёдан тиладим нени?
Бағрингизга бошим босай, Онажон!

ҲАСАДГҶЙГА

Юрагимни оғритмоқ нечун?
Нечун керак синамоқ сабрим?
Кунларимни қирқмасангиз ҳам
Қабримгача етади жабрим.

Балки менга сўзингиз бордир —
Тўкилмаган тилларингиздан.
Изларимда изингиз бордир,
Йўлим бордир йўлларингизда?

Балки сизга оддий бир эрмак,
Эрмак ахир бугун юраклар!
Ўзингиз билмассиз, не керак?
Тошингиздан тугун юраклар.

Билмам, ортиқ сизга не дейин,
Менда дил-у сизда тил ўсган.
Асли, сизга мендан ҳам қийин:
Аллоҳ сизни назардан қисган!

ЛАЙЛАКЛАР

“Кўҳна тут тепасида кўриб турганингиз — лайлак уяси.
Лекин, ўн уч йилки, улар келмайди...”

Экскурсовод сўзидан

Ўн уч йил, кўҳна тут боқар интизор,
Нилий гумбазларда сузар илтижо.
Лайлакларни кутар шу кекса минор,
Лайлакларни кутар кўҳна Бухоро.

Не кунлар тушмади кекса бошига,
Кетди не-не шонлар, не шерюраклар.

Эга бўлганида энди ошига
Ташлаб кетдингизми сиз ҳам, лайлақлар?

Ҳали яралари битмаган эди
Тўпга тутилган юрт ўт-ноласининг.
Ҳали ғам-фироғи кетмаган эди
Оғриқ – юрагидан Файзулласининг.

Шу азиз тупроқни кўзга суртгали
Хоки пойларини айлаб тўтиё,
Сажда этгучининг тугамас гали,
Кимларга, билсангиз, армон Бухоро.

Йироқлардан Ватан, дея тиккан кўз,
Кимларнинг қадами етмаган гўша.
Нечун азиз юртдан ўгирдингиз юз,
Қаср бор азизроқ, Ватандан ўзга?

Ё ҳадя этдилар сизга қайда тахт?
Наҳот нафс амрига бўйсунди юрак?
Наҳот туёлдингиз буюкроқ бир бахт
Она Ватанда кўз юммоқдан бўлақ?

Ўғиллар айтолмай кетган Эрк сўзин,
Азизим лайлақлар, сиз келиб айтинг!
Қадим Бухоронгиз соғинди сизни,
Лайлақлар, лайлақлар, Ватанга қайтинг!

ВАТАН

Ю. Усмоновага

Балки юлдуз бўлиб учарман бир кун,
Балки мангуликка аталгай бу жон.
Аллоҳим, ҳар неки иноятингдан
Менга муқаддасроқ ўзбек деган ном!

Табаррук гўшалар кўп эрур магар,
Муқаддас Каъбага бошим урсам ҳам,
Мен Онам пойини ўпарман аввал,
Сенга сиғингайман олдинроқ, Ватан!

Ўзингсан кўргузган ёруғ камолим,
Сенсиз ким эрурман, меҳрингсиз мен ким?
Соддагина отам, мунис онам деб,
Қадоқ қўлларингни ўпарман, халқим!

Балким мен бахтингман куйга сиғмаган,
Балким юрагингдан силққан армонман.
Юлдуз бўлиб кўкка учар бўлсам ҳам,
Мен шу Ватан дея ёнган бир жонман!

ЮРАГИМНИ СИҚДИМ

Юрагимни сиқдим, сафродай сариқ
Зардоблар оқдилар, мен қониб ичдим.
Қароғимни сиқдим, қонларга қориқ
Азоблар оқдилар, мен қониб ичдим.

Оху кўзларига ботириб беун,
Қорачиғим чайнар сочи тўзғоқ тун,
Елкам ғам ёпинди. Ой мунча юпун?
Ойдан ғамларимни қизғониб ичдим.

Овозимни сиқдим, тигланиб кетди,
Бўғзимда қуюнлар буғланиб кетди,
Тонг қадар оҳларим чўғланиб кетди,
Чўғлар томган тонгни мен ёниб ичдим.

Куйларимни сиқдим, оғриқлар оқди,
Изларимга тиллар чангини қоқди,
Кун кўк ёриғидан ҳиринглаб боқди,
Оғриқ толейимдан мен тониб ичдим.

Ёдларимни сиқдим, кўзларим тилдим,
Телбаларча кулдим, хўрсиниб кулдим.
Барча ичганларим шароб деб билдим,
Маст бўлдим, мен энди дунёдан кечдим!

ЎЙЛАЯПСАНМИ?

Қароғингда ажиб туйғулар ёқиб,
Кипригингга ширин орзулар тақиб,
Сен ҳам хаёлларинг юлдузга боқиб,
Ўйлаяпсанми?

Кўксига ўт қадаб кўзинг нуридан,
Юлдузлар исинса қалбинг қўридан,
Айт, сен ҳам саз чертиб ой ҳузурида
Куйлаяпсанми?

Булбул хониш солса кўнглинг назмига,
Сендан сўз сўрарми гулнинг васфига?
Айт, сен ҳам висолни жаннат васлига
Бўйлаяпсанми?

Меҳр ниҳолидан дилда боғ униб,
Ишқинг қуёшидан ёғду ёғиниб,
Соғинганим, сен ҳам мени соғиниб,
Ўйлаяпсанми?

БИР ДИЛ ЙИҒЛАДИ

Бу кеч ҳилол кўкдан инжу йиғмади,
Бу кеч терс фалакка тун ҳам сиғмади,
Қисмат ҳиринглади қора бўшлиқда,
Ўксиниб, ўксиниб бир дил йиғлади.

Чақинлар титради кўз осмонида,
Булутлар кўпириб кўпик қонида,
Чакка ўтар синган юрак томидан,
Ўксиниб, ўксиниб, бир дил йиғлади.

Ерга банд, юлдузга қўллари етмас,
Тунга банд, қундузга қўллари етмас,
Бир малҳами сўзга йўллари етмас,
Ўксиниб, ўксиниб, бир дил йиғлади.

Гуллаган кўксига қишлар санчилди,
Меҳрнинг кўзига нишлар санчилди,
Тақдир тошдан терган толе янчилди,
Ўксиниб, ўксиниб бир дил йиғлади.

Сабрнинг тешаси жонини чақиб,
Узоқдаги тонгга умидин тақиб,
Бош олиб кетаркан, ортга бир боқиб,
Ўксиниб, ўксиниб, бир дил йиғлади.

Достонлар

АЁКЎЗ

Тингланг, сўйлаб берай сизларга бу дам
Аёкўз ҳақида мунгли афсонам...

Йилларнинг қатидан инграр нидолар,
Бу қалъа — нидодир, асрлар ошган.
Мангу ўтинади сирли сиймолар,
Бунда сирли тарих айланган тошга.
Йигит либосида қирқта фаришта
Тиз чўккан, самога ёйганча қулоч.
Сарбони — бир ойким, фалақдан ришта,
Қиличи яланғоч, кўкси яланғоч...
Йўқ, бу табиатнинг мўъжизасимас,
Наққош яратолмас бундай сиймони.
Булар — халқи бирла олгучи нафас
Жисми тошга кўчган қирқ хиромони...
Эрксевар бир юртда шамширли сулув —
Аёкўз сиймоси туради мангу!

... Қиз эмас, бир гунча, гул эди сўлим,
Чечаклар ранг олар ол ёноғидан.
Кулгусидан булбул бағри минг тилим,
Еллар бўса тилар гул лудоғидан.
Унинг жилвасидан тонглар отади,
Кўзин ёғдусига чўмар кундузлар.
Юзидан уялиб ойлар ботади.
Ҳар тун сочларида ухлар юлдузлар.
Меҳрибон отаси — элнинг хоқони,
“Тилаб олганимсан, ёлғизим”, дейди.
Қиз айтса, йўлига тўқади жонни,
“Танҳо суянганим, нур — кўзим”, дейди.

Аёкўзга боқиб, шоҳ ўй сурар жим:
“Онанг ҳам сендайин шаддод, шўҳ эди.
Эҳ, бу пешонамга сизмаган гулим,
Дунёда ундайин гўзал йўқ эди.
Онанг ўрнин, балки босмадим, қизим,
Не тиласанг қилдим, ўсгин, деб бекам.
Кўзларим ёпгучи — ўғлим ҳам ўзинг,
Аллоҳ кўп кўрмасин менга сени ҳам!”
Шоҳнинг меҳри дарё, ҳиммати дарё,
Хўп оқил эди у, юрт ғамин ерди.
Шул боис эл яшар бунда хуррам, шод,
Шул боис, эл уни пиримиз, дерди.
Аёкўз улғайди лочин эр мисол,
Гарчи эл ичра зўр шавкати, шони,
Гарчи ўн йигитни йиқар шер мисол,
Шоҳ дилини мудом тирнар армони.
Йиллар манглайига тортади чизиқ.
Кетар кўзидан нур, белдан дармони,
Шоҳ пешонасига битилган ёзуқ —
Дилини тирнайди мудом армони.
Ҳар неким лочиндур, ҳар неким шоввоз,
Бир ўқда Аёкўз олар ўн жонни,
Қирқ йигит ҳунари гарчи қизга оз.
Шоҳ дилини тирнар мудом армони.
Билади, гул қизи гарчи ўт, чақин,
Малика у ахир, шаҳзода эмас!
Билар энди шоҳга паймона яқин,
Лек дарди ичида: “Ўғлим йўқ”, демас...
Кунлар ўтиб борар, ойлар ўтади,
Қалъада ҳаёт тинч, элнинг қорни тўқ,
Шарқираб дарёлар, сойлар ўтади.
Шоҳ дарди ичида: — ворис ўғли йўқ,
Қиз-чи, мисли шамол, завқи бир дунё.
Эрка оҳудайин шод елади, шўҳ.
Хусни бир дунёдир, шавқи бир дунё,
Шоҳ дарди ичида: — ворис ўғли йўқ...

Шоҳ туш кўрди:
Келди Аёкўз шодон,
Ота тож кийгизмоқ бўлди бошига.
Лек шу тоб қорая бошлади осмон,
Қора қуш чанг солди унинг тожига.
Дард ичра тўлғонди подшоҳ бу оқшом,
Бадхуш хаёл ичра ўтди бу туни.
Безовта тушлари бермади ором,
Юраги ғаш, бу тонг не кутар уни?

Тонг.
Вазири аъзам бош эгди маъюс,
Қайси бир элатдан чопар келибди.
У мактуб узатди, демади бир сўз,
Шоҳ уқди: демак, шум хабар келибди:
“Агар юртим қирғин емасин, десанг,
Биз борурмиз, сен тож бирла ҳозир бўл!
Эл сени қонтўкар, демасин, десанг,
Қалъани тинч топшир, бизга вазир бўл!
Йўқ эрса, қиличдан ўтказгум бир-бир,
Қалъанг деворини бўягай қонинг.
Бор кучу қудратинг менга эмас сир,
Таслим бўл! Шу сенинг сўнгги имконинг!”
Шоҳнинг панжасида гижимланди хат,
Кўзида чақнади қаҳр ила чўғ.
Яна юрагини тилди ўша дард:
Ёвга кўкси қалқон: — ворис ўғли йўқ.
Ўғлим йўқ, демади, суғурди қилич,
Кафтларида сиқди, қонга ботди тиг.
Нигоҳида ёнди нафрат ила ўч,
Юрагида армон: — ворис ўғли йўқ.
“Кенгашурмиз, гарчи жавобим тайин,
Майли бўялсак ҳам, ботсак ҳам қонга,
Яна мустаҳкамланг қалъа деворин,
Ҳозирланинг, деди, юрт учун жангга!”

Ўлтирарди босиб шоҳни зўр алам,
Сукунатда унсиз йиғларди пинҳон.
Ўғил керак экан қариганинг дам,
Юрагида армон, яна шу армон:
“Ўрни билинаркан ёв бош суққан дам,
Ўғлон керак экан асли Ватанга.
Юз йигит ҳунарин эгалласа ҳам
Қиз болани қандоқ қўюрман жангга?
Буни уруш дерлар, таваккал кетмас,
Суғурилган қилич солинмас қинга.
Бугун менга танҳо избосар етмас,
Билмам, лашкарларим ишонай кимга?
Шоҳнинг ўйларида аламли титроқ,
Сукунатда унсиз йиғларди пинҳон.
Ота кифтидаги ташвишдан йироқ
Шўх Аёкўз елиб кирди шод шу он.
Гўдакдек беғубор, қиз тахтга чиқди
Шоҳ ила қувончин кўрмоқ-чун баҳам:
“Отажон, мен бугун тўрттасин йиқдим,
Илди ҳаводаги узукни найзам!
Биласизми, яна...”
Тўхтади бирдан,
Маъюс нигоҳларга боқди қиз ҳайрон.
Нечун бахт ўрнида кўраётир ғам,
Нурдайн тоза қалб не сабаб вайрон?
Қизнинг кўзларида чақнади ҳайрат,
Ота қўлларини кафтига олди.
Наҳот арғумоқдай шод елди фақат,
Наҳот ўз кунига ўралиб қолди?
Йиллар солганини сезмабди ҳатто
Отасин юзига ажин, сочга оқ.
Қандайн бефарқлик, қандайн хато?
Қиз дилхун сўради, қалбида титроқ:
“Отажон! Дилингиз ўртар не ситам?
Недан кўзингизда кўрганим озор?
Агар дардингизга бўлмасам малҳам,
Менинг фарзандлигим Сизга не даркор?”

Наҳот ўз уйимда яшадим мудом,
Наҳот ранжингизни уқмадим бир бор?
Шерик бўлмасам гар гамга, отажон,
Менинг фарзандлигим сизга не даркор?”
Ота титраб кетди, титратди озор,
Мажруҳ юрагида силқиди бардош.
Ким неча йиллардан, қалбидан илк бор
Хира кўзларига силқиб чиқади ёш.
Бағрига босди у қизни эркалаб,
Ойдин қизим, деди, ой қизим, деди.
Суянганим, Ҳақдан олганим тилаб,
Шошқин қизим, деди, сой қизим, деди.
Кўксида кўпирди меҳридан уммон,
Ёрилди хаёлин гижимлаган ун.
Илк бор тилга чиқди дилидан армон:
“Ой қизим, сен ўғил бўлмадинг, нечун?”
“Бахтимсан, лек лочин эмассан, гулим,
Жанггоҳ эмас, боғу чамандир гўшанг.
Оёғимдан тортиб турган дам ўлим
Билакдаги кучим кутаётир жанг.
Бугун остонамда ёв турибди шай,
Қани бир мард ўғлон — билакда кучим?
Балки, тақдир мендан куляпти атай,
Қай гуноҳим учун олмоқда ўчин?
“Ота! — ҳайқирди қиз кўзлари чақнаб: —
Эр ё аёл, мардни синайди майдон!
Кучим йўқ, дедингиз кўзимга қараб,
Айтинг, ишончингиз йўқотдим қачон?
Гар заифа бўлсам, нечун миндим от,
Нечун шамшир осдим, айтинг, белимга?
Бир ўғил ўрнини босмайман наҳот?
Бундан ўзга ботар тиг йўқ дилимга!”
“Болам, сен ранжима, мен ўйладим кўп,
Гарчи юрагингда ўн эр ўти бор,
Бир аёл кишини жангга қўйди, деб
Минг йиллар устимдан кулмасми ағёр?

Жанг — эрлар майдони, олмагин оғир.
Бунда оху учун бормайсан жангга.
Найзангнинг нишони — узукмас, ахир,
Бунда инсон жонин кўйгай гаровга!”
“Йўқ, йўқ! — рад этди қиз. — Сўйламангиз, бас!
Энди шикор эмас, жангтоҳдир жойим.
Мен — фарзандман! Ўғил ва ё қиз эмас.
Биласиз, айтганим қилурман доим!
От минай, отажон, тутқазинг қамчи,
Кўринг, қилич чопгум қанчалар моҳир.
Буюринг, бугундан йигитман — жангчи,
Менинг қиз эканим — юртда бўлсин сир!”

Юртга таҳдид солиб турганида ёв,
Кўксин қалқон қилиб шай турар ботир.
Аёкўз англади, бу катта синов,
Унинг шижоатин эл кутаётир...
Англади, бу жанг кўп тилайди қурбон,
Балким, ёв тигида тилинар юрак.
Бироқ дарёдайин оқса ҳамки қон,
Она юртни омон асрамоқ керак!
Аёкўз от минди ўзни эр билиб,
Соч йиғиб дубулға кийди бошига
Отанинг дуосин қалбига илиб,
Оқ йўл сўраб келди Она қошига:
“Учқур хаёлларга ошна яшадим,
Отам не тиласам, айлади бажо.
Лекин меҳрингизга ташна яшадим,
Топмадим мен фақат Сизни, Онажон!
Бугун кутаётир мени қонли жанг,
Она, руҳингиздан сўрайман мадал.
Фақат, сиз ҳам мени қиз бола деманг,
Отам ўғилмас, деб букмасин ҳеч қад.
Эр бўлиб курашай, омонлик тиланг,
Ғолиблик байроғин кўтариб қайтай.
Дуо қилинг, ёвнинг ҳолин этиб танг,

Элим шони учун шукрона айтай.
Оқ фотиҳа беринг сиз ҳам, Онажон!
Мен учун, эл учун, Фалаба учун!
Рози бўлинг, бўлсам гар жангда қурбон..."
Аёкўз бош қўйди қабрга беун...

Отларнинг дупури оламни тутди,
Ағёр булут мисол келарди босиб.
Пойларидан тўзон самони ютди,
Сокин бир ўлкага нафсини осиб.
Аёкўз бунда шай, қўлда шамшири,
Ёнида қирқ каниз – қирқ лочин лашкар.
Унинг қиз экани – бу юртнинг сири,
Бутун эл ўғлим, деб унга шон тилар...

Кўкка ўт ўрлади ёвнинг домидан
Қалъани ўради қонташна қатор.
Юрт қамалда қолди, очлик комида,
Аёкўз халқини тўплаб сўз айтар:
“Она халқим, ҳамма умид Сизлардан,
Ватанни бермаймиз биз қаттиқ туриб!
Очликдан тупроқни яласангиз ҳам
Ўн чоғлик мол боқинг хўп семиртириб”.
Шер мисол ҳайқириб жангга кирди қиз,
Тўрт душман бошига бир қилич солди.
Қирқ каниз қўлида чақнаган қилич
Юзлаб ёв кўксида қонга бўялди.
Сулувнинг қаҳрли, ўтли нафаси
Рақиб ҳамласини кесиб ўтади,
Ҳавода узукни илган найзаси
Икки ёв кўксини тешиб ўтади.
Ортидан келганни олмадек отиб,
Олдидан келганнинг бўғзидан олди.
Ёвбоши – шаҳзода ўзни йўқотиб
Қиз важоҳатидан ҳайратда қолди:
“Ким бу? – бошида тож, нигоҳи чўғли,

Ахир йўқ эмасми шоҳ меросхўри?
Демак бу паҳлавон — шу шоҳнинг ўғли,
Шаҳзод бўлганда ҳам шерларнинг зўри!”
Душманнинг танг бўлиб қолди ҳоллари,
Очофат умиди сўнар бир чоқда.
Аёкўз қалъадан семиз молларни
Чиқариб юборди ҳайдаб ўтлоққа.
Агёр ўйга ботди молларни кўриб,
“Демак, янглишибмиз, уч ой қамал ҳам
Бунда халқ тўқ яшар айшини суриб,
Яхшиси кетайлик энди бу ердан...”

Аёкўз қалъадан кузатди ҳолин,
Канизаги бирла чекинган ёвни.
Каниз шаҳзоданинг кўриб жамолин
Қалбида ўт олди севги тугёни.
Қуш мисол питирлар безовта юрак,
Бошида минг фикр уради бетин:
Нима қилмоқ керак, не қилмоқ керак?
Наҳот бу ишқ Ватан меҳридан устун?
“Гар кетар бўлса у лашкарин олиб,
Ишқи бирла ёниб ёш умрим завол.
Гар ёрдам берсам-чи? Бўлса у ғолиб,
Малика бўлурман Аёкўз мисол!
Қора бир канизман, гарчи куним чоғ,
Ҳусним ҳам кам эмас Аёкўздан ҳеч.
Шаҳзода кетмоқда, шошайин тезроқ,
Бахт қушим тутмоққа бўлмасин то кеч”.
Каниз хатта битди кир ниятини,
Ўққа битиб тортди у камонига.
Ҳали қонлар қотмай, ўқ қиз хатини
Олиб шаҳзоданинг ботди ёнига.
Таажжубда, йигит мактубни очиб,
Кўзларида ҳайрат чақнади бир дам.
У ота ёнига югурди шошиб:
“Ота, воқиф бўлинг сиз ушбу сирдан:

Сенга мактуб битдим, мен ишқим боис,
Эй йигит, алданма, ўзни қўлга ол!
Сени мағлуб этган лашкарбошимиз
Йигит либосида, лек ўзи аёл.
У-ла олишганда сен қиличингни
Унинг бошиданмас, кўкрагидан сол.
Халқ тупроқ ялайди қамалда уч ой,
Ҳийла-чун боқилган сен кўрган ўн мол".
Шаҳзоданинг қўзғаб зўр орияти,
Ғазабдан қўшилди билагига куч.
Етти кун олишди ва пойлаб пайтин,
Аёкўз кўксига солди у қилич.
Қилич дами тилди қизнинг либосин,
Оҳ-ноласи кўкда чақинлар чақди.
Очиқ кўкси узра йўл солди сочи,
Алам ичра бўзлаб қиз кўкка боқди:
"Ёғийнинг қадамин синдиrolмадим,
Минг лаънат дунёга мен келган кунга!
Отамнинг армонин ўлдиrolмадим,
Ўғил бўлолмадим барибир унга!
Жон отам, ёш тўкманг мен ношуд қизга,
Панд едим, билмадим, мени ким сотди?
Туз учун ризолик тилайман сиздан,
Мен онам ёнига ой бўлиб ботдим.
Жон отам, бўғзимда қолди армоним,
Кўк сари йўл олди вужудимдан нур
Қалбларга ўч солгай тўкилган қоним,
Ҳали омон кунлар келмоғи ҳақдур!
Ўшал омон кунинг ёдга ол, халқим!
Аллоҳ сотқинимга бергуси ажал.
Ё фалак! Амр эт.Бўлмоқдан таслим,
Тош бўлиб қотганим минг бора афзал!"
Қизнинг кўксига сўнг фиғон титради,
Ой юзларда қалқди сўнги томчи ёш.
Пой замин титради, осмон титради,
Аёкўз, қирқ каниз қотди бўлиб тош...

Бир қалқиб силкинди қалъа дафъатан,
Лочинлар тош қотди, мардлар тош қотди.
Нигоҳда тош қотди нурдийда Ватан,
Армонлар тош қотди, дардлар тош қотди.
Шаҳзода лол боқди тош қизга мунгиб,
“Бу қай пари эди, қандай латофат?
Бу қандай мўъжиза, тушми ё ўнгим,
Балким мангуликка айланди хилқат?
Илоҳий нидоми, бу қандай сеҳр?
Ким голиб: менми ё Аёкўз абад?
Бу қандай мағрурлик, қандайин меҳр?
Нечун унга ёрмас, ёвман бешафқат?”
Лаънат тошин отди йигит ўзига,
Бу тош гўзалликнинг пойида яккаш.
Қалбидан надомат тошди кўзига,
Ҳайқирди, шамширин даст бўлди дилғаш.
Нечун бундай қилди, кимга бу нафрат?
Мангу мағлублигин у уқди балким?
Ва ё шу тош гурур, шу тош малоҳат
Юрагига ишқдан ўт ёқди балким?
Тош қиз қаршисида англаб етди ё
Қалби айланганин тошга аввалроқ.
Аёкўз пойида титради дунё.
Шаҳзода тиз чўқди, қалбида титроқ...

Кимдир келиб тутди йигит кўлидан,
Кифти оша боқди, кўзларида нам:
Ким бу қиз, нечун у айро элидан?
Оҳиста нозланиб сўйлади санам:
“Мен ўша, шаҳзодам, сизга хат битган,
Тожу тахтингизга яна қўшган нур.
Мен — ўша, ғалаба — бахт ато этган,
Энди мен ёрингиз бўлай бир умр!”
Оловланди йигит бўғзида нафас:
“Мен хоинни қандоқ ёр деб атайин?
Киндик қони томган юртин сотган кас

Вақт келиб, мени ҳам сотмоғи тайин!
Аёкўз пойининг сен бир гардисан,
Икки дунё сен-ла туташмас йўлим.
Сен – элнинг оғриғи, дилнинг дардисан,
Сотқиннинг жазоси – ҳаммавақт ўлим!
Шаҳзод амри бирла боғлашди қизни,
Аёкўзнинг доди ҳаққа етишди:
Элнинг қарғишига қолган канизни
Қирқ от тоғ-тошларга судраб кетишди...

Ағёр ғалабадан шод эди, ҳам маст,
Халқ қалб нафратини кўзида ёқди.
Эл бағридан қасос ўти-ла чаптаст
Ўнлаб шер йигитлар шамширин тақди.
Юракдан тўфонга келган ғазабдан
Қасоскор вужудга қуйилди минг куч.
Душман устига от қўйдилар бирдан,
Олов ёқди икки тўқнашган қилич.
“Аёкўз учун, ҳам Ватан-чун!” – дея,
Йигитлар душманни қирди беомон.
Она юрт пойига жонларин тикиб,
Халос этди уни ёвдан батамом.

Яна қалъада тинч ҳаёт бошланди,
Сойлардан қонлармас, нур оқди яна.
Юрт осмони узра шамс юзин тўсган
Булутни поралаб, шод боқди яна.
Ғамлар унутилди, лек тош Аёкўз
Қонли курашлардан мангуга қолди.
Гўзал, жасур қизни улғайтган бу юрт
Аёкўз қалъаси дебон ном олди.

Эркесвар бир юртда шамширли сулув –
Аёкўз сиймоси туради мангу!

ОЙБАЛИҚ

(Эъзозга)

I

Сой бирла сойланиб кетди у
Кўксида ойланиб кетди у,
Ойбалиқ, ойбалиқ – сен каби
Балиққа айланиб кетди у ...
Тумонат, одамлар тумонат,
Зил босган қадамлар тумонат.
Чайқалган тумонат жон ичра
Бу жоним омонат, омонат.
Бошимни сийпалаб кетдилар,
Дилимни тимдалаб кетдилар.
Ойбалиқ, ойбалиқ, жонимни
Нимталаб, нимталаб кетдилар.
Тумонат...
Қисмати дедилар, қисмати,
Ойбалиқ, қандайин қисмат бу,
Сувларни азизроқ кўрди у,
Бағримда яйралиб ўсади.
Қисмати, дедилар қисмати,
Бул тахир қисматни кўргузмай
Балиқжон, кўзим ёр, кўзим ёр,
Сендан-да ўзга, айт, кимим бор?
Балиқжон, кўзим ёр, кўзим ёр,
Кўзим ёр, тизиллаб отилган,
Қонидан кўкарсин қизғалдоқ
Қизғалдоқ – кузларга сотилган,
Қизғалдоқ – кўкси доғ, кўкси доғ,
Қизғалдоқ, косага жон қуйиб
Тўкиб кетди.

Қизғалдоқ, кичкина ҳовузга
Чўкиб кетди...

II

У кетди балиқ бўб, у кетди,
Ойбалиқ, сен ҳам кет, сен ҳам кет!
Юрагим илдиз бўб туташган
Ҳовуз бор – сен уни Ватан эт!
Тонг бирла тирналиб отаман,
Шом бирла хўрсиниб ботаман,
Балиқжон, сен унга ўртоқ бўл,
Кўзингга бош қўйиб ётаман,
Ойбалиқ, сен унга ўртоқ бўл!

III

Ҳовуздан сўрадим дарёни,
Ҳовуздан қамишлар сўрадим.
Йўндим синиқ тишимда,
Юрагимни ўрадим.
Най бўлди, лабимни босдим мен,
Най чалдим сеҳргар сингари.
Балиқни чақирдим, балиқни
У эса чиқмади...
Ҳовузга кўзимни босдим мен,
Най чалдим ўпкамни шишириб.
Бўғзимни, тилимни пишириб
Найнинг
Тешигига ташладим.
Илонлар чиқдилар ўйноқлаб,
Фигонлар чиқдилар ўйноқлаб.
Яна,
Яна найга айланмоқ учун
Қамишлар, қамишлар ўса бошлади,
У эса чиқмади...

Най чалдим сеҳргар сингари,
Най чалдим ўпкамни шишириб.
Балиқни чақирдим, балиқни,
У эса чиқмади...

IV

Телефон жиринглар. Ўшанда
Бу беғам дунёни уйғотиб,
Телефон жиринглаб ўшанда
Бошимга тош отди.
— Опа, тез келинг!
— Нима гап?
— Опа, у ...
Бошимни тош ютса қанийди,
Қанийди кўр дунё тўзиса,
Телефон, симларинг не дейди?
Телефон, симларинг узилсин!

V

Тумонат, одамлар тумонат,
Зил босган қаламлар тумонат.
— Қайтарми? — Сўрадим улардан.
Сукунат...
Қайтар, денг, у яна қайтар, денг!
Бир куни рўй бериб мўъжиза,
Мен келдим, келдим деб айтар, денг
Қайтар денг!
Сукунат...
У энди қайтмайди, дедилар,
Ойбалиқ, бағримга келиб ёт.
У энди қайтмайди, дедилар,
Қайтмайди, деб айтди сукунат,
Балиқжон, бағримга келиб ёт,
Кўзимни чўгла-ю, сачратиб
Осмонга мени от!

Мен ёнай,
Қайтмайди, деган бу ёлғонга
Мен қандоқ ишонай, ишонай?
Қайтмайди, дедилар.
Ғам борми
Бундан-да оғирроқ, боз тахир.
Балиқжон “қайтади”, сўзига
Нимани алишай, айт, ахир?
Қайтмайди, дедилар, нетай, воҳ.
Ул томон элтгучи йўлим боғ.
Армон – о, бағримни этгил чок.
Армон – о, юракка ташла доғ.
Доғ ташла, шу доғнинг тубида
Чайқалган бир ҳовуз тиниқсин.
Учинчи сентябрь субҳида
Ундан олтин балиқча чиқсин...

VI

Учинчи сентябрь...
Совуқ тонг,
Сарғайган саҳари шум кузни.
Учинчи сентябрь...
Совуқ тонг,
Лойқатиб кичкина ҳовузни
Олтин балиқчамни
Ўғирлаб кетди.
Ҳовузга айланди – сой сағир,
Ҳовузда чўмилган ой сағир.
Етимча қолди-я бир осмон,
Етимча қолди-я бир бағир?
Ойбалиқ, ойбалиқ, ойбалиқ,
Етимча бағримни тўлдиргин.
Тўлдира билмасанг...
Шу олтин...
Шу олтин балиқдай...

Шу олтин балиқдай...
Ўлдиргин!!!

VII

Тумонат, одамлар тумонат,
Зил босган қадамлар тумонат.
Чайқалиб, чайқалиб босаман,
Қадамим омонат, омонат...
Қадамим омонат...
Йиқилдим.
Бу дунё айланди бир тушга,
Аридай ўралиб олдилар,
Аридай олдилар болишга,
Балиқжон, уларни қўявер!
Балиқжон, болишни отаман.
Балиқжон, сен бирла ҳовузнинг
Тошига бош қўйиб ётаман!

VIII

Ойбалиқ, мен келдим ёнингга,
Мен келдим ёнингда қолгани.
Бир олтин балиқни чақириб,
Қамишингдан
Най чалгани.
Балиқжон, мен келдим қошингга,
Бош қўйиб ётгали тошингга,
Тошингни уриб кўр бошимга
Сенинг тошинг қаттиқми?
Менинг бошим қаттиқми?
Балиқжон, сен менга ўғил бўл,
Мен сенга она бўб тутинай.
Ўшал кун уларга ёлвордим,
Мен энди сендан-да ўтинай,
Кўзимга кўмишсин, уни айт,

Овутмоқ не даркор — сел бўлдим.
Мен ёндим, мен ёндим — кул бўлдим.
Мен энди балиққа эл бўлдим,
Уни айт, кўзимга кўмишсин,
Сўнг майли, шу кўзни юмишсин...
Балиқжон, мен келдим қошинга,
Бош қўйиб ётгали тошинга.
Ойбалиқ, ойбалиқ, ойбалиқ,
Тошингни уриб кўр бошимга.
Сенинг тошинг қаттиқми?
Менинг бошим қаттиқми?

IX

Балиқ, келдим ёнгинангга,
Жоним қоқай жонгинангга,
Балиқ, менинг минг онимни
Алишгин бир онгинангга.
Тошларингдан қаттиқ бошим
Остонангга уриб кетай,
Балиқ, тилло балиқчамни
Бир онгина кўриб кетай,
Танганг терай томоғимга,
Тишинг ботир бармоғимга,
Ҳилолга айт, бир кечага
Тушиб ётсин қабоғимга.
Бармоғимдан оққан қонга
Ҳовузингни тўлатайин,
Балиқ, менинг қалбим яра
Лабинг билан силатайин.
Кўзларимнинг гавҳарини
Кўзларингга бериб кетай,
Балиқ, олтин балиқчамни
Бир онгина кўриб кетай...

X

Балиқжон, куйларим йиғлоқи,
Ўйласам, ўйларим йиғлоқи,
Йиғлоқи дедилар шеъримни,
Сўйласам, сўйларим йиғлоқи.
Ойбалиқ, шеъримдан ўзга, айт,
Ёшимни мен кимга тўкайин,
Ҳовузга айлансин ҳар бир байт,
Мен унга балиқ бўб чўкайин.
Йиғлоқи, десалар шеъримни,
Тирналур кўзимнинг осмони.
Сен йиғлаб, мен йиғлаб, шеър йиғлаб,
Йиғлатиб қўйдикми дунёни?
Азалдан тўлмаган дунёнинг
Кўпайиб кетдими камлари?
Балиқжон, бир дунё ғам билан
Ошириб қўйдимми ғамларин?
Ҳовуз ҳам сен учун дунёдир,
Тўлдириб қўйдимми ёш билан?
Балиқжон дунёнинг қувончин
Ўлдириб қўйдимми ёш билан?
Йиғлатсам шу Дунё қошида
Узрлар сўраб тиз чўкайин.
Лек ахир шеъримдан ўзга, айт,
Ёшимни мен қайга тўкайин?

XI

Ойбалиқ, сенга бир тўкилдим,
Ҳув ана кун юзин шом ўпди.
Балиқжон, бир келиб қошингга,
Бир тўйиб йиғласам не бўпди?
Ойбалиқ, ёшларим сиёҳранг,
Мен уни қоғозга артаман.
Мен энди қайтаман қошингдан,

Кулгулар юртига қайтаман.
У юртнинг кулгуси ёлғончи,
У юртда қуёш кеч ботади.
У юртда ҳаммаси мен каби,
Худди пилла қуртидай
Ўз ташвишига ўралиб ётади.
У юртнинг тушлари ёлғончи,
У юртда тонглар тез отади.
У юртда қуёшни кутгали
Дадам барвақт туриб кетади.
Қўллари ҳув сенинг тошингдай,
Сувингдай жимирлар даласи,
Қоқ тушда ғузанинг тагида
Кетмонга бош қўйиб
Пинакка кетса
Тушига киради тўққиз боласи.
Зарб билан уради кетмонни,
Тупроққа артади юзини,
Кўзига сачраган кесакни
Олтин, деб алдайди ўзини.
У озгин, семирар даласи,
Оёгин уфққа узатиб,
Кетмонни миндириб елкаси,
Қайтади қуёшни кузатиб.
Уф тортар, менинг-да ташвишим
Юзига тортади бир чизиқ.
Мен унга ёшимни кўрсатмай,
Фамини кўпайтмай, ойбалиқ!
Ойбалиқ, келдим-у қошингга,
Дадамни бир йўқлаб бормадим,
Балиқжон, сенга дил ёрдим-у,
Дадамга кўнглимни ёрмадим,
Юзида ҳорфинлик ухлаган,
У ҳорди, ташвиши ҳормади.
Дилига дардлари михланган
Дадамга кўнглимни ёрмадим.

Лек, жондай суярман, кел, ундан
Узрлар сўраб тиз чўкайин.
Ойбалиқ, шеъримдан ўзга, айт,
Ёшимни мен кимга тўкайин?

Онаман, деб, балиқ, дод солдим,
Қалбимни ўйганда бир ҳижрон
Лекин бир Она бор Дунёда
Юзлари заъфарон, заъфарон.
Додини айтмайди ҳеч кимга,
Дилини эвса-да юз армон
Заъфарон боқади юзимга,
Юзлари заъфарон, заъфарон.
У мени умид-ла кузатган,
У мени умид-ла кутади.
Мен бир бор зардоблар ютсам гар
У юз бор, юз бора ютади.
Гинасин ўрайди меҳрга,
Дунёни меҳрга ўрайди.
Ўз умрини чимдилаб, ҳар нафас
Мен учун у умр сўрайди.
Мен маъюс ҳовузга термулсам,
У маъюс юзимга боқади,
Кўзимда бир томчи ёш кўрса,
Юраги дарё бўб оқади.
Кўз нури тўкилган игнага,
Бармоғин қотирган игналар,
Менга бир кўйлаклик олиш-чун
Дилига ботирган игналар.
Нур бўла олмадим кўзига,
Онамни бир йўқлаб бормадим,
Балиқжон, сенга дил ёрдим-у,
Онамга кўнглимни ёрмадим.
Балиқжон, бўлмадим унингдай,
Кўтара олмадим бир ғамни,
Юзида юз ғамдан юз чизиқ,

Бир йўқлаб бормадим Онамни.
Дунёнинг заҳмати кўп унга,
Роҳати қилчалар оз, балиқ,
Ёшимни кўрсатмай онамга,
Фамини кўпайтмай, боз, балиқ!
Лек жондай суярман, кел ундан
Узрлар сўраб тиз чўкайин.
Ойбалиқ, шеъримдан ўзга, айт,
Ёшимни мен кимга тўкайин?

XII

Ойбалиқ, мен келдим қошингга,
Бир тилло балиқни сўрадим.
Най чалдим, у бир бор чиқар, деб,
Сувларга термулиб қарадим,
У эса чиқмади.
Қошингдан йиғлаблар қайтаман
Умидим майдалаб-майдалаб.
Сўзимни мен сенга айтаман,
Сен унга такрорла қайталаб.
Айт, мени, оёғи юрди-ю,
Кўнгли ҳеч юрмайин кетди, де.
У сени юз бора чорлади,
Лек бир бор кўрмайин кетди, де.
Балиқжон, сенга бир тўкилдим,
Балиқжон, мен энди қайтаман.
Йиғлатиб кўйсам гар Дунёга
Тиз чўкиб узрлар айтаман,
Балиқжон, сенга бир тўкилдим...

МУНДАРИЖА

Моҳим.....	3
“Менинг яралмишим...”	4
Сен кимсан?.....	4
Ҳазиллашиб бўлмайди.....	5
Юрагингни бутун бергин.....	6
Сиз шундай суйинг.....	7
На-да сен келдинг.....	7
Ёқа келинг.....	8
“Жоним-о...”	9
“Моҳим...”	10
Олтин олма.....	10
Гулрў.....	11
Бир сўз.....	12
Муҳаббат.....	13
Боқиб кетинг.....	13
Куймадилар.....	14
“Юлдузлар кўзимга...”	15
Ўғирлаб кўйдим.....	15
Хабар бўлмади.....	16
“Тикан тилиб кетган...”	16
“Не савдо тушмади...”	17
“Юрагимга сиғмаган Муҳаббатим...”	18
“Яшил кунларимдан...”	18
“Дунёда энг яхши ёмоним...”	19
Тилим.....	19
Яралганман.....	20
Адаш йўлларида қайтар.....	21
Сен кимнинг бандиси?.....	22
“Чўкиб кетгим келди...”	22

Оёгинг остига қараб қўй.....	23
Аёл.....	24
Сиз кетдингиз.....	24
Суйилмаган аёл.....	25
“Кўзларингда қўш нигоҳим”.....	26
Сен Онамни асра, Худойим!.....	26
Куз.....	27
Йиғлатган ким у?.....	27
Илоҳий муҳаббат қайда?.....	28
Сигмадим.....	29
Келмади.....	29
Тилаганим армонлармиди?.....	30
Қаҳрингдан бер.....	31
Сигинмай қўйдим.....	32
Қайт, дема, ёр.....	32
Қизгалдоқ.....	33
Онажон.....	34
Ҳасадгўйга.....	35
Лайлақлар.....	35
Ватан.....	36
Юрагимни сиқдим.....	37
Ўйлаяпсанми?.....	38
Бир дил йиғлади.....	39

Достонлар

Аёкўз.....	40
Ойбалиқ.....	51

Адабий-бадиий нашр

Шахло Аҳорова

МОҲИМ

Шеърлар ва дostonлар

Муҳаррир *Жонибек Субҳон*

Мусаввирлар *А. Бобров, И. Кириакиди*

Бадиий муҳаррир *Х. Худойбердиев*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *Л. Мирзааҳмедова*

Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

ИБ № 3917

Босишга 28.09.2001 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90^{1/32}. Таймс гар-
нитурa. Офсет босма. 2,34 шартли босма тобоқ, 2,5 нашр босма тобоғи.
Жами 500 нусха. 292 рақамли буюртма. 55-2000 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. // 700169. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Аҳророва, Шаҳло.

Моҳим: Шеърлар ва дostonлар. — Т.: Ф. Фулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2002. — 64 б.

Жиззахлик шоира Шаҳло Аҳророванинг тўпламини ва-
рақлаган шеърхон хаёлга толади: ўзининг ҳаёти, ҳаётдаги
ўрни, ҳаётдаги инсоний қадри, одамларга, ёрга ва она юртга
бўлган меҳру муҳаббати салмоғи нечоғлик? Ўзининг орзу
ва ниятларига етдимиз? Кимга қандай яхшилик қилди? Ута-
ётган умридан розими? Хуллас, илиқ ва самимий мисра-
лар беихтиёр Сизни шоиранинг хаёллар оламига етаклай-
ди...